

ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИ МЕРОСИДА ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДАГИ ПЕДАГОГИК ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ

М.А.Қосимова

Бухоро давлат университети, мактабгача
таълим кафедраси ўқитувчisi

АННОТАЦИЯ: Ушбу мақолада ўқитувчининг ўқув жараёнини ҳамкорлик асосида самарали ташкил этиш маҳоратини янада оширишда алломаларнинг педагогик қарашларидан фойдаланиш ҳақидаги фикрлар баён этилган.

Таянч сўз ва тушунчалар: ҳамкорлик, шахсий эҳтиёж, шахс, мулоқот, мустақил мушоҳода, дўстона муносабат.

АННОТАЦИЯ: В этой статье излагаются идеи использования педагогических взглядов ученых для дальнейшего повышения способности учителя создавать эффективные стили совместного обучения.

Ключевые слова: сотрудничество, личная ответственность, личная потребность, личность, общение, независимое мышление, дружеское отношение.

ANNOTATION: This article outlines ideas for using the pedagogical views of scientists to further enhance the teacher's ability to create effective styles of collaborative learning.

Keywords: cooperation, personal responsibility, personal need, personality, communication, independent thinking,, friendly attitude.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сонли қарорининг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, мазкур ҳодисани ҳар томонлама тадқиқ этиш эҳтиёжини кучайтиради. Ушбу қарор асосида бошланғич синф ўқувчиларида шакллантириладиган таянч ва фанга оид компетенциялар белгилаб берилган бўлиб, унга кўра педагогик ҳамкорлик жараёнида бошланғич синф ўқувчиларида

мулоқот, ўз-ўзини ривожлантириш компетенциялари жадал шаклланади. Чунки бошланғич таълим жараёнида ўқувчиларнинг фаолият даражаси кенгайиб, ижодкорлик имкониятлари ва ўз-ўзини намоён қилиш кўникмалари таркиб топади.

Ўқув-тарбия жараёнида ўқувчининг фаолияти шаклланади ва ўзининг ривожланиш босқичига киради. Унинг ижодкорлик имкониятлари ва ўз-ўзини намоён қилиш кўникмалари таркиб топади. Бошланғич таълим мазмунини ҳамкорлик асосида ташкил этиш юқорида белгиланган талабларга эришишнинг натижавийлигини таъминлашга хизмат қилади. Ўқитувчининг ўқув жараёнини ҳамкорлик таълими асосида самарали ташкил этиш маҳоратини оширишда устоз-шогирд мактаблари фаолиятини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Устоз-шогирд муносабатларига хос илгор таълимий ва тарбиявий қарашлар, шахсий фазилатлар ўзаро муносабатлар маданиятига хос масалалар буюк мухаддис алломалар Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий, Ат-Термизий ижодларида ҳамда тасаввуф фалсафасининг йирик намояндалари Абдулхолик Гиждувоний, Аҳмад Яссавий, Боҳовуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро асарларида ҳам кенг ёритилган.

Форобийнинг ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этиш, устоз ва шогирд фаолияти ҳақида, улар шахсига қўйиладиган талаблар, инсонлар жамоасидаги ўзаро ҳамжиҳатлик, ёрдам, инсон камолоти ва унинг жамият тараққиётидаги ўрни тўғрисидаги ғоялари ҳозирги ўқув-тарбия жараёнларини такомиллаштириш, устоз ва шогирд ҳамкорлик муносабатларини тўғри йўлга қўйиш, ёшларда касбий ва шахсий фазилатларнинг шаклланишида ғоят муҳим аҳамиятга эгадир.

Абу Райхон Беруний (973-1048) ўзининг дидактик қарашларида табиат, жамият ҳодисалари, турмуш воқеаларига холисона баҳо бериш-инсон табиатини англатувчи омил эканлигини таъкидлаб, ҳар бир инсон ўз қалбининг фармойишига кўра, эзгуликка интилиши сунъий обрў, шуҳрат қозониши учун муруват кўрсатмаслиги кераклигини уқтиради. У ҳар бир нарсани аниқ, синчиклаб ўрганиш, билиш ва шундан сўнггина бир холосага келиш кераклиги ва бу ўринда, айниқса, тажрибага асосланишини алоҳида уқтиради, нодонлик,

қаллоблик, эринчоқлик, илмсизлик ва сунъий эътиқодни танқид қиласи.¹ Беруний ижтимоий турмуш ўзига хос ҳамкорлик асосида тузилганлигини эътироф этади: “Инсон ўз эҳтиёжларини тушуниб, ўзига ўхшаш кишилар билан бирга яшашнинг зарурлигини англай бошлади. Шунинг учун, ўзаро келишувчанлик қабилида “шартнома” тузишга киришади. Одамларнинг биргаликдаги турмуши инсонни ҳақиқий қудратга, унинг эҳтиёжларини қондиришга олиб келмайди, бунинг учун яна меҳнат қилиш зарурдир”. Берунийнинг фикрича, инсоннинг қадр-қиммати ўз вазифасини аъло даражада бажаришига боғлиқ. Педагогик ҳамкорлик жараёнини ташкил этишда ўқитувчилар бундай ёндашувлардан унумли фойдаланишлари керак²

Ибн Сино (980-1037) “Тиб қонунлари” асарида ўқув-тарбия жараёни ягона жараён эканлигини таъкидлаб, болани олти ёшдан бошлаб муаллимга топшириш хусусида фикр юритади. Таълимда ўқитиш оддийликдан мураккабка қараб бориши қоидасига амал қилиш, шунингдек, болага кучи етадиган (жисмоний ва психолого-имкониятларига мос) машқларни бажартириш амали бу жараёнда катта аҳамият қасб этишини таъкидлайди.

Муаллиф болаларни якка-якка ўқитишдан кўра, жамоада таълим-тарбия бериш, ўқитувчи билан ўқувчининг ҳамкорлик фаолиятини йўлга қўйиш афзал эканлигини эътироф этади. Алломанинг фикрича, жамоада ўқитилганда уларда илмга интилевчанлик қучаяди, бошқалардан орқада қолишга ғуурлари йўл кўймайди. Ўзаро ҳамкорлик улар нутқининг ўсиши, фикрининг чархланиши, хотирасининг мустаҳкамланишида муҳим ўрин эгаллайди. Таълим жараёнида ўқувчилар бир-бирлари билан иноқлашадилар, ўзаро бир-бирларини ҳурмат қилишга одатланадилар, мунозара қилишни ўрганиб, ўзаро мусобақалашадилар, ўзларининг ҳукуқ ва бурчлари ҳақида фикр алмашадилар. Ана шундай қоидаларга асосланган ўқув-тарбия жараёнигина ўқувчиларнинг ақлий, ахлоқий камолотини таъминлашга кўмаклашади.

Ибн Сино ҳамкорликнинг моҳияти ҳақида мулоҳаза юритиб шундай дейди: “Инсон ўз фаолиятида нимагаки эришса, у фақат ўз меҳнати билан амалга ошира олмайди, уларни яратиш учун бошқалар ҳам иштирок этиши керак ёки жамоа

¹Беруний Абу Райҳон //Педагогика тарихи.А.Зунунов таҳрири остида.-Тошкент:Маънавият, 2008.-278 б

²Беруний Абу Райҳон //Педагогика тарихи.А.Зунунов таҳрири остида.-Тошкент:Маънавият, 2008.-278 б



ёрдам бериши лозим. Бунинг учун жамоа аъзолари ўзаро яхши муносабатда бўлишлари керак. Яхшилик одамларни иноқликка, ёмонлик эса, келишмовчиликка олиб боради. Аниқ мақсад билан ҳаракат қилиш инсонни ва жамоани ёмондан сақлайди, яхши ишлар қилишга йўллайди, унда ишонч туйғусини уйғотади”³

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Ибн Синонинг ҳаётий кузатишлари ва ғоялари нафақат ўз даврида таълим-тарбия соҳасини ривожи, балки ҳозирги кунда ҳам ҳамкорликка асосланган таълим жараёнини ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади.

Хусайн Воиз Кошифий боланинг фикрлаш қобилиятини ўстириш ҳақида муроҳаза юритар экан, бу масалада муаллимлар олдига масъулиятли вазифалар қўяди. “Мураббий болага насиҳат беришда лутф ва одоб қоидаларига риоя килиши даркор” лигини алоҳида уқтиради⁴.

Кошифий ўзаро ҳамкорлик жараёнида хушмуомала ва адолатли бўлишга алоҳида эътибор беради. “Ҳар вақтики, сўзлар айтурсизлар, яхши сўздан бўлакни айтмангизлар ва қўп сўзламак қўнгилни қаро қилур” ёки “адолат ақлни тенгликда кўришдан иборатдир, адолат нури ёруғида бутун қоронғулик ёритилиб, инсонлар ниятларига етадилар” - деган фикрлари орқали ўқитувчилар ва ўқувчиларни ҳамкорликка даъват этади.

Буюк аждодларимизнинг таълимотларида мужассамлашган, ўқитувчи билан ўқувчилар ҳамкорлигининг педагогик хусусиятларига хос қимматли маълумотлар бугунги кунда ҳам ўқитувчиларни ўқувчилар билан ҳамкорликка чорлайди, улар учун дустуруламал бўлиб хизмат қиласди.


Ўзаро дўстона муносабатга киришган ўқувчилар билимларни биргаликда ўзлаштиришга кўпроқ мойил бўладилар. Улар орасида ҳамкорликка интилиш муҳити вужудга келади. Дўстона муносабат жараёнида унинг иштирокчилари бир-бирларининг ички оламларига кириб ўзаро идрок этишлари, бир-бирларини тушунишлари ва баҳолашларини таъминлайди. Ўқувчилар ва ўқитувчилар ўзаро бир-бирларини тушунишлари орқали вужудга келадиган педагогик вазиятнинг йўналиши ва истиқболини аниқлаш имкониятига эга бўладилар.

³Ибн Сино Абу Али. Донишнома.-Душанбе:Ирфон, 1994.-228 б.

⁴Кошифий Воиз Хусайн. Футуввати Султония ёҳуд жавонмардлик ҳақида.-Тошкент:Ғафур Гулом номидаги нашриёт, 2003.-198 бет.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сонли қарори Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги «2017-2021 йилларда таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори
2. Беруний Абу Райхон //Педагогика тарихи. А. Зунунов таҳрири остида.- Ташкент: Маънавият, 2008.-278 б.
3. Ибн Сино Абу Али. Донишнома.-Душанбе: Ирфон, 1994.-228 б.
4. Кошифий Воиз Ҳусайн. Футуввати Султония ёхуд жавонмардлик ҳақида.- Ташкент: Ғафур Гулом номидаги нашриёт, 2003.-198 бет.
5. Дилюва Н.Ғ. Шарқ мутафаккирлари таълимотларида ўқитувчи-ўқувчиларнинг ўзаро ҳамкорлик масалалари //Замонавий таълим. – Ташкент: 2018. – № 3. – Б.63-69 (13.00.01 №10)



Research Science and
Innovation House